

**№ СPIO-2301/TEL- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил “5” январ

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30“ декабрдаги № 45-01-07/1159-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Сотув ва хизмат күрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва Ташки Савдо Вазирлиги хузуридаги хорижий инвестицияларни жалб агентлиги номидан Низом (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик түгрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи К. Ю. Камолов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари күрсатилиши бўйича қўйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқсанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқлочи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептими) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий миқдори 01.01.2022й дан 31.03.2022й гача 1 947 750,00 (Бир миллион тўккиз юз қирқ етти минг етти юз эллик) сўмни ҚҚС 15 % ташкил этади. Ундан 649 250,00 (Олти юз қирқ тўккиз минг икки юз эллик сўм 00 тийин) ҚҚС 15 % миқдорида ойлик абонент тўловини уз ичига олади.

Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади. Халқаро алоқа хизмати учун тўлов ҳақиқатдан кейин қўнғироқ йўналиши ва ишлатилган дақиқаларга мувофиқ амалга оширилади (нархлар рўйхати №125-1/1). Шартнома миқдоридан ошиб кетган тақдирда, ортиқча миқдори ҳар ойда тўланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк қуни** ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўtkазиш йўли билан Оператор томонидан кўrсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўrсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўrсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўrсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтингча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равища блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта-коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтариlmайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўrсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн) иш қуни** мобайнода Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўrсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календар ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлди (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўrмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз қурашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътиrozнома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равища хабардор қилинади.

7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 марта кадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва

Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 марта қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклиниң ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (үн)** календар кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равиша расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (хар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:

АК “Ўзбектелеком”

«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Манзил: Тошкент, шаҳар. А. Темур кўчаси 97 А.
Тел: (99) 836-7600
Электрон почта: b2b@uztelecom.uz
Банк маълумотлари:
хисоб раками: 2021 0000 5040 7483 8088
АТБ Алоқабанк
МФО: 00401
ИНН: 203366731
ОКЕД: 61100
Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди
ҚҚС 326 030 013 817

АБОНЕНТ:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва Ташки
Савдо Вазирлиги хузуридаги хорижий
инвеститсияларни жалб агентлиги
Манзил: Тошкент, шаҳар. Т.Шевченко 34.
Тел: (90) 325-12-57
Электрон почта:
Банк маълумотлари:
хисоб раками: 10001086 0262 7370 4190 3088 001
в ЦБ РУ г.Ташкента РКЦ
МФО: 00014
ИНН: 306 234 978
ОКЕД: 84111
Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди
ҚҚС _____

Директор ўринбосари:

Абонент номидан:

Хон А.Е.

Ф.И.Ш.



Ижрочи менежер: Мелибоева Д.Ю.

Тел.: 99 787-00-77

Техник кўллаб-куvvatlash: 1155

Л/с № 1905417971

КМХК Хизмати бошлиги: Раҳмадова Ш.Х.

1-илова

3-бет. СPIO-2301/TEL – сон АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юрист р. Умаров

“5” август 2022 йилдаги № CPIO-2301/TEL-сонли абонент шартномаси

Хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта – сўм

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5
I. Бир марталик тўловлар				
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари				
2.1	Бир ойлик абонент тўлови “Лимитсиз” тариф режаси IP-телефония 712020224 712020225 712020216 712020233 712020211 712020210 712020234 712020214 712020215	37 820,00	10	378 200,00
2.2	SIP-trunk протоколи бўйича бир виртуал каналдан фойдалниш учун абонент тўлови (11-20 каналдан иборат бир гурухга), бир ойда	18 070,00	15	271 050,00
Жами (олдиндан тўлов)				649 250,00

Шартноманинг умумий миқдори 01.01.2022й дан 31.03.2022й гача 1 947 750,00 (Бир миллион тўқкиз юз кирқ етти минг етти юз эллик) сўмни ҚҚС 15 % ташкил этади. Ундан 649 250,00 (Олти юз кирқ тўқкиз минг икки юз эллик сўм 00 тийин) ҚҚС 15 % миқдорида ойлик абонент тўловини уз ичига олади.

Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисобфактурага асосан амалга оширилади. Халкаро алоқа хизмати учун тўлов ҳакиқатдан кейин кўнгироқ йўналиши ва ишлатилган дақикаларга мувоғиқ амалга оширилади (нархлар рўйхати №125-1/1). Шартнома миқдоридан ошиб кетган тақдирда, ортиқча миқдори ҳар ойда тўланади.

“Ўзбектелеком” АҚ номидан:

«Сотув ва хизмат қўрсатиш маркази» филиали

Директор ўринбосари



Хон А.Е.

Абонент номидан:
Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва Ташқи
Савдо Вазирлиги ҳузуридаги хорижий
инвеститсияларни жалб агентлиги

Абонент номидан:



Ф.И.Ш.

“5” январ 2022 йилдаги № CPIO-2301/TEL -сонли абонент шартномаси

Далолатнома

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва маҳсус уланишин синовдан ўтказиш
телеқоммуникация хизматлари шартномаси асосида амалга оширилди

“5” январ 2022 йилдаги № CPIO-2301/TEL

№	Хизматлар рўйхати	Сана	Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси
1.	<p>“Лимитсиз” тариф режаси IP-телефония (45 000 мин., лимитдан ошса, технolog чеклов 12 сўм)</p> <p>712020224 712020225 712020216 712020233 712020211 712020210 712020234 712020214 712020215</p>	«13» феврал 2020 йил.	Бажарилди
2.	SIP-trunk протоколи бўйича бир виртуал каналдан фойдалнишни тақдим этиш Уланиш нукталари сони-15	«12» феврал 2020 йил.	Бажарилди

“Ўзбектелеком” АҚ номидан:
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Абонент номидан:
Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва Ташки
Савдо Вазирлиги хузуридаги хорижий
инвеститсияларни жалб агентлиги

Директор ўринбосари



Хон А.Е.

Абонент номидан:



Ф.И.Ш.

